Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!


Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 13 сентябрь • № 37 (954)




Нишондорларимиз



## ЭЛ АРДОҒИДАГИ ШИФОКОРЛАР

### давлатимизнинг юксак мукофоти билан муносиб тақдирланди

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар бир инсоннинг меҳнатини муносиб қадрлаш, эл-юрт равнақи йўлидаги хизматларини рағбатлантириш эзгу анъанага айланган. Президентимиз фармонига мувофиқ, энг улуғ, энг азиз байрамимиз – мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганини бунинг ёрқин ифодасидир. Улар қаторида тиббиётнинг сиру синоатларини ёшларга ўргатиб, бор илму маҳоратини эл саломатлигини сақлашдек эзгу ишга бахшида этаётган жиззахлик шифокорларнинг ҳам борлиги қувонарли, албатта.***

Мамлакатимизда тиббиёт ходимлари меҳнатига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин намунаси бўлган бундай шараф Жиззах вилоятида халқимиз саломатлиги йўлида фаолият юритаётган малакали шифокорлар Эсан Нарматов ва Ориф Зиёевларга ҳам насиб этди. Айни кунда Ғаллаорол тумани тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири лавозимида ишлаб келаётган Эсан Нарматов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган бўлса, мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали болалар анестезиология-реаниматологияси бўлими мудири Ориф Зиёевга II даражали «Соғлом авлод учун» ордени берилди.

– Хушхабарни эшитганимда, наҳотки мендек оддий бир шифокорга давлатимизнинг энг юксак унвони берилган бўлса, дея кўзларимда севинч ёшлари қалқди. Қалбимда чексиз ҳаяжон уйғонди, – **дейди Эсан Нарматов.** – Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан соғлиқни сақлаш тизимига, хусусан, шифокорлар меҳнатини эъзозлашга алоҳида


**(Давоми 2-бетда).**


**СУРАТДА:** *(чапдан биринчи) Эсан Нарматов ҳамда Ориф Зиёев жамоадошлари даврасида.*

КЕЙИНГИ СОНДА:

**ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА МАЪНАВИЯТИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ**

**БОТУЛИЗМДАН САҚЛАНИНГ!**

ЯНГИЛИКЛАР • хабар • шарҳ • таҳлил

## Андижонда саломатлик ҳафталиги

Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан фертиль ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказишга қаратилган саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, аёллар, ўсмирлар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва савиясини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Саломатлик ҳафталиги доирасида Андижон, Хонобод ва Қорасув шаҳарларида истиқомат қилувчи фертиль ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болалар малакали шифокорлар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

– Тиббий текширувларда ЭКГ, УЗИ, УТТ, рақамли рентген аппарати ва бошқа зарур жиҳозлар ҳамда техника воситаларидан фойдаланилаётгани кўрикларнинг пухта ва самарали ўтишини таъминламоқда, – дейди Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Гулнаҳор Абдуллаева. – Ҳафталик нафақат аҳолини малакали кўрикдан ўтказиш, балки тиббий саводхонлигини ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Замонавий қишлоқ врачлик пункти

Чимбой туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Бахтли” қишлоқ врачлик пункти “Саломатлик” лойиҳалари бўйича замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Бу ерда ташҳис қўйиш, даволаш, тиббий кўрик ишлари, эмлаш тадбирлари изчиллик билан олиб борилмоқда. ҚВПнинг 18 нафар тиббий ходими асосий эътиборни профилактика ишларини кучайтиришга қаратаётир. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оила ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, туғруқлар оралиғини сақлаш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тушунтириш ишлари ўз самараларини бермоқда.

## Болажонлар саломатлиги йўлида

Жиззах вилоятининг Арнасой туманидаги 7-умумтаълим мактабида “Касаба уюшмалари – болаларга” акцияси доирасида “Тозалик, озодалик – саломатлик гарови” мавзусида тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ташаббуси билан “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида ўтказилаётган мазкур акция давомида олис қишлоқ мактабларининг 1-синф ўқувчиларини соғлом турмуш тарзи асослари, санитария-гигиена қоидалари билан яқиндан таништириш, турли юқумли касалликлар ҳақида маълумотлар бериш ҳамда улардан сақланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тушунтириш ва тарғибот ишлари ўқув пайтида бир соатли дарс сифатида ҳамда дарсдан ташқари интерфаол усулда ташкил этилмоқда.

Соҳа мутахассислари, тажрибали тиббиёт ходимлари иштирокида тоза ичимлик сувининг инсон организми учун аҳамияти, ундан тўғри ва тежамкорлик билан фойдаланиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилаётган давра суҳбатлари барчада катта қизиқиш уйғотмоқда. Тадбирларда ўқувчилар билан бирга, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилиб, 1014 нафар 1-синф ўқувчисига ташкилотчилар томонидан шахсий гигиенага оид жамланмалардан иборат совғалар ҳамда ўқув қўлланмалари топширилди.

**Ахборот агентликлари ва ўз мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.**

Нишондорларимиз

# ЭЛ АРДОҒИДАГИ ШИФОКОРЛАР

## давлатимизнинг юксак мукофоти билан муносиб тақдирланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

эътибор қаратилаётгани биз, тиббиёт ходимларини аҳоли саломатлигини яхшилаш йўлида янада катта ғайрат ва шижоат билан ишлашга ундаши, табиий.

Эсан Нарматов мана қирқ йилдирки, тиббиётнинг энг тезкор, энг мураккаб ва ўта масъулиятли йўналишида меҳнат қилиб келмоқда. Унинг тунни кунга улаб, беморларга шошилинч ёрдам кўрсатишдек эзгу ишларидан бугун халқимиз чексиз миннатдор. Фидойи шифокорнинг ҳар бир ишга жиддий ва талабчанлик билан ёндашуви, ўз устида тинмай изланиши ва соҳага замонавий технологияларни жалб этган ҳолда илғор ютуқлар сари интилиши туфайли 1997 йилда давлатимизнинг I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган эди. Бу йилги мукофот эса унда янада шараф ва ифтихор туйғусини уйғотди.

– *Бу биргина менинг ютуғим эмас, балки атрофимдаги аҳил жамоанинг ҳам саъй-ҳаракатлари, қолаверса, оиламнинг доимий қўллаб-қувватлаши маҳсулидир,* – **дейди суҳбат давомида Эсан Нарматов.** – *Албатта, тиббиёт соҳаси чуқур изланишларни, айниқса, мен фаолият юритаётган бўлим ҳар биримиздан зийрак, ҳушёр ва юксак билимга эга бўлишни талаб этади.*

Камтарлик, меҳрибонлик ва шифокорга хос ширинсуханлик билан муомалада бўлаётган Эсан Нарматовнинг қабулида тургanларга кўзимиз тушади. Улар ҳам ўз навбатида бу шифокорни юксак мукофот билан табриклаб, миннатдорлик ила шундай дейишди:

– *Эсан акани мени ҳаётга қайтариб, яшашга умид бера олган шифокорим сифатида ҳурмат қиламан. Автоҳалокат туфайли ҳушимни йўқотиб, шифохонага келганимда менга биринчи ёрдам кўрсатиб, бор куч ва имкониятларини аямаган ушбу жамоа ходимларидан доимо миннатдорман. Муҳтарам Юртбошимиз Эсан Нарматовни юксак мукофот билан тақдирланганини эшитиб, оиламиз билан севиндик. Бу албатта, камтарин инсон Эсан Нарматов ва унинг аҳил жамоасига берилган юксак баҳодир,* – **дейди бухоролик Толмас Усмонов.**

* * *

**Бола тилини тушуниш, унинг дардига малҳам бўлиб, соғлом кулгисига эришиш ҳар бир шифокорнинг олий мақсади ҳисобланади.**

Кўп йиллардан буён болалар саломатлигини сақлашдек шарафли касбда фаолият юритиб келаётган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали болалар анестезиология-реаниматологияси бўлими мудири Ориф Зиёев меҳнатлари ҳам таҳсинга сазовор. Аввало шуни айтиш жоизки, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Ориф Зиёев 1987 йилдан 2003 йилга қадар Жиззах вилояти кўп тармоқли болалар шифохонасида астойдил меҳнат қилиб, жамоа орасида обрў-эътибор қозонди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан мазкур шифохонада болалар реанимация бўлими ташкил этилди. Шунингдек, фаолияти давомида замонавий анестезиология йўналиши бўйича кўплаб салоҳиятли кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди.

– *Буюк аждодимиз Абу Али ибн Синонинг тиббиёт йўналишидаги изланишлари мана, асрлар оша сайқалланиб, замонавий қиёфа касб этмоқда,* – **дейди Ориф Зиёев.** – *Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожига катта эътибор қаратилаётгани бу аҳоли саломатлигини сақлашга бўлган ғамхўрликнинг амалий ифодаси сифатида ҳар бир тиббиёт ходимини руҳлантиради. Мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида ўйлаганимда, аввало тиббиёт соҳасида юз берган буюк ўзгаришлар хаёлимдан ўтади. Чунки, ана шу ўзгаришлар туфайли халқимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ўз саломатлиги, оиласига бўлган ишонч ва эътибори мустаҳкамланди. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай оламшумул ишлар замирида ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслиги керак, деган эзгу мақсад мужассам. Бундан шу юртнинг фуқароси, оддий бир шифокори сифатида чексиз фахрланаман. Айниқса, давлатимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига қаратилаётган эътибор ҳам бундан мустасно эмас. Бунинг исботи сифатида айтишим жоизки, 2011 йилда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг Миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумнинг нуфузли даражада ўтказилганлиги, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилар томонидан юксак баҳоланди. Бундай эътирофли фикрларни янада давом эттиришимиз мумкин. Яна шуни айтиб ўтмоқчиманки, юртимиздаги перинатал, она ва бола скрининг марказлари ҳамда болалар шифохонаси, шунингдек туғруқ мажмуаларининг замонавий аппаратуралар билан таъминланганлигининг ўзи ҳам бу борадаги ишларнинг асосий ифодасидир десам, янглишмаган бўламан. Мени меҳнатларимни муносиб баҳолаган Юртбошимизга ўз мамнунлигимни билдириб, болажонларимиз саломатлиги йўлида астойдил менат қилиб, улар ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.*

**Шу ўринда юксак мукофот соҳиблари бўлган Эсан Нарматов ва Ориф Зиёевларни муносиб рағбат билан қутлаган ҳолда уларнинг шарафли ва масъулиятли ишларига омадлар тилаб қоламиз.**

Ибодат СОАТОВА.

---

2013 йил – Обод турмуш йили

# СОҒЛОМ ОИЛА – ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши, соғлом оилани шакллантириш ва ундаги маънавий муҳитни яхшилашга хизмат қилмоқда. Зеро, одамнинг тани соғ, оиласи тинч, эртанги кунга умид ва ишончи мустаҳкам бўлса, ишида унум ва барака бўлади.***

Бу жиҳатлар пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Дўмбиробод маҳалласида ҳукм сураётган барқарор муҳит, аҳолининг тинч, фаровон ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Қиркқа яқин миллат вакилларидан иборат қарийб ўн минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган бу маскандаги оилалар ҳамжиҳатлигига ҳавас қилса арзийди. Маҳалла фаолларининг жонбозлиги туфайли хонадонлар атрофи, кўчалар саранжом-саришта. Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, пухта билим олиб, касб-ҳунар эгаллаши, ишга жойлашишига ёрдам бериш – доимий эътиборда.

– Маҳалламизда бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қаратилган маърифий тадбирлар билан бирга, уларнинг саломатлиги масаласига ҳам жиддий эътибор қаратяпмиз, – дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Шуҳрат» медали соҳиби Комилжон Қаюмов. – Бу оила қураётган ёшларнинг оила, жамият олдидаги бурч ва масъулиятини чуқурроқ англашига ёрдам бермоқда. Бунинг самарасида кейинги вақтда оилавий ажримлар деярли йўқ.

Маҳаллада ёшларнинг никоҳ тўйларини ўтказишда амалда кўмаклашилаётгани уларга кўрсатилаётган яна бир ғамхўрликдир. Бу ишларни изчил йўлга қўйишда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳим дастуриламал бўлмоқда. Қонунга кўра, маҳаллада оила қураётган ёшларнинг эҳтиёжига қараб моддий ёрдам кўрсатишга турли ташкилотлар ва ҳомийлар жалб этилмоқда.

Мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларга эътибор кўрсатиш ҳамма жойда ҳам бирдек деб бўлмайди. Чунки ҳаётда билиб-билмай нотўғри йўл танлаётган йигит-қизлар ҳам йўқ эмас.

...Хуршида касалманд фарзанди билан ота уйига қайтиб келди. Турмуш ўртоғида тутқаноқ касаллиги борлиги маълум бўлган эди. Аммо ёш ва ғўрлиги боис дардини ичига ютди. Лекин боласида ҳам ушбу хасталик кузатилгани унинг сабр косасини тўлдирди. У бир томондан ҳали ўн саккизга тўлмай турмушга узатиб юборган ота-онасидан норози бўлса, ўз тақдирига бефарқлиги учун ўзидан ҳам ранжиди.

– Бундай ҳолатлар асосан расмий никоҳдан ўтмасдан оила қураётганларда кузатилади, – дейди Ҳамза тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири Зулайҳо Камолхўжаева. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асосида юртимизда 2004 йил 1 январдан эътиборан никоҳланувчи шахсларнинг руҳий, наркологик касалликлари, тери-таносил, сил касалликлари ва ОИВ/ОИТС хасталиги бўйича тиббий кўрикдан ўтиши йўлга қўйилган. Бу Оила кодексида ҳам ўз ифодасини топган: 17-моддада никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтиши мустаҳкамлаб қўйилган. Шу асосда расмий никоҳдан ўтиш учун ариза бераётган ёшларга тиббиёт бирлашмаларига йўлланма берилмоқда ва улар тўлиқ текширувдан ўтгач, никоҳи қайд этилмоқда.

Оила қураётган икки ёш жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳан соғлом, имон-эътиқодли, билимли, юксак маънавиятли бўлса, бундай оилада соғлом фарзандлар дунёга келади. ФҲДЁ ходимлари нафақат никоҳдан ўтиш учун ариза бераётган ёшлар, балки аҳолининг барча қатламлари орасида бахтли оила ва соғлом авлод бунёд этишда ёшларнинг масъулиятини оширишга бағишланган кенг тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Таълим даргоҳларида "Ёш оила қурувчилар" мактаблари фаолияти ривожлантирилмоқда. Мазкур тизимда тиббий кўрик, оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллар, ота-она бурчи, фарзанд тарбияси каби масалалар бўйича ахборот-таълим дастурлари амалга оширилмоқда. Тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ўтказилаётган бундай тарғибот ишлари натижасида ёшлар тиббий кўрикнинг аҳамияти ва моҳиятини теран англаб етмоқда.

Дарҳақиқат, оила қуриш арафасидаги ёшларнинг бўлғуси жуфти ҳалолининг саломатлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши келгусида никоҳланувчилардан бирининг соғлиғи билан боғлиқ нохушликлар боис ажрашишлар, бефарзандлик, жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонли фарзандлар туғилишининг олдини олади. Тиббий кўрик пайтида аниқланаётган хасталикларни никоҳдан аввал даволашга эришилаётгани эса оилаларнинг мустаҳкамлиги ва фарзандлар саломатлигига хизмат қилмоқда.

**Баркамол авлод орзуси – аждодларимиздан мерос, халқимизга хос эзгу мақсад. Ота-боболаримиз оила қураётган ёшларнинг насл-насаби тозалигига эътибор қаратган. Зеро, ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги энг катта мақсади бахтли оила қуриш, соғлом фарзандлар тарбиялаш ва уларнинг камолини кўришдир. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган изчил ишлар бугун ушбу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.**

ЎзА.

---

Шеърият

# ДИЙДОР ШИРИН

**Дийдор ширин, дийдор ғанимат,
Ота-она, дўст-ёр ғанимат,
Аҳли доно, дийдор ғанимат,
Демиш Аллоҳ қилиб марҳамат!**

**Дийдор ширин, дийдор ғанимат,
Ой, қуёшли рухсор ғанимат,
Самимий дил изҳор ғанимат,
Бундан топар умр ҳаловат.**

**Кўнгил олар саломдан қувват,
Ширин сухан, каломдан қувват,
Завқу шавқу инъомдан қувват,
Ортар меҳру сеҳру саховат.**

**Қарабсизки, кўнгил ободдир,
Ўтганларнинг руҳлари шоддир!
Эзгу ўйлар нажот, қанотдир,
Вужудларда азму шижоат!**

**Дийдор ширин, дийдор ғанимат,
Яшаса тинч, аҳил эл, миллат.
Тани-жони бўлса саломат,
Турмуш тотли, қучса бахт, омад!**

**Келинг, дўстлар, кўнгил тўйига,
Жўр бўлайлик оҳанг, куйига,
Минг ўргулсанг арзир бўйига,
Дийдор ширин, дийдор ғанимат!**

**Искандар РАҲМОН.**

---

***Ҳурматли муштарийлар!***

***Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgzt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.***




*Жиззах вилояти*

# ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ВА МУСТАҲКАМ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

***Айни кунларда юртимиз тиббиёт муассасаларида Инвестиция дастури асосида ишлар қизгинлик билан олиб борилмоқда. Айниқса, туман тиббиёт бирлашмалари бўлимлари, туман кўп тармоқли поликлиникалари, шунингдек, бирлашма ҳудудида барча бўлимларнинг бир жойда жойлашаётганлиги (оптимизация) аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда, қулайликлар ҳам яратмоқда.***



Жиззах тумани кўп тармоқли марказий поликлиниканинг ташқи кўриниши.

Шу ўринда айтиш муҳимки, Инвестиция дастури асосида янгидан қад кўтараётган, реконструкция қилинаётган шифо масканларининг бугунги кўриниши замон талабларига жавоб беради десак, муболаға бўлмайди. Бундан ташқари, мазкур шифо масканлари нафақат ташқи томони, балки кираверишда фойеларнинг ўзига хослиги, коридорлар кенглиги ҳамда хоналар дид билан таъмирланганидан аҳоли мамнунлигининг гувоҳи бўлиб келаяпмиз.

Куни кеча Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Жиззах, Зомин туман тиббиёт бирлашмаларида «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида олиб борилаётган фаолиятлар билан танишиш мақсадида хизмат сафарида бўлдик. Мазкур жараёнда ушбу туман тиббиёт бирлашмалари, шунингдек, вилоят юқумли касалликлар, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ва вилоят сил касалликлари диспансерларида бўлганимизда Инвестиция дастурлари бўйича амалдаги фаолиятларни кўриб, халқимиз саломатлиги йўлида ана шундай эзгу ишлар бардавомлигидан хурсанд бўлдик.

Жиззах тумани кўп тармоқли марказий поликлиникага ташриф буюрганимизда деярли бир йилдан буён янги бинода фаолият юритаётган ушбу тиббиёт масканининг ички ва ташқи кўриниши давр талабига мос равишда таъмирланганини аҳоли серқатновлигидан ҳам билса бўлади. Хоналарни бирма-бир кўздан кечирар эканмиз беморлар, қолаверса, тиббиёт ходимлари учун барча шароитлар яратилган. Бунинг баробарида, бош коридорнинг кенг ва қулайлиги ҳамда ҳар бир хона ёнида ўриндиқлар мавжудлиги навбат кутиб турганлар учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. «Саломатлик-2» ҳамда бюджет маблағларидан олинган замонавий тиббий асбоб-ускуналар мурожаат этувчилар хизматида. Эндиликда эса, «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан энг сўнгги русумдаги тиббиёт анжомларининг келиши кутилмоқда.

Ана шундай кенг имкониятлардан мамнун ҳолда тиббий хизмат кўрсатиб келаётган шифокору ҳамширалар ҳамда аҳоли билан суҳбатда бўлиб, уларнинг фикрларини тингладик.

**Гулсара АҲМЕДЖОНОВА, Жиззах тумани кўп тармоқли марказий поликлиника кардиолог-врачи:**

– Аввало, аҳоли саломатлигини ўйлаб, улар учун барча шароит, имконият ва қулайликлар яратаётган, шунингдек, тиббий ходимлар меҳнатини қўллаб-қувватлаётган, ишлашимиз учун замонавий иншоотлар бунёд этишда тиббиёт муассасаларимиз давр талабидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишида ўз саъй-ҳаракатларини аямаётган Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман.



Жиззах тумани кўп тармоқли марказий поликлиниканинг ички кўриниши.

Айниқса, истиқлолимиз шарофати билан кўп тармоқли марказий поликлиникамизнинг қайтадан реконструкция қилиниши туфайли шифо масканимизнинг ички ва ташқи қиёфаси тубдан ўзгарди. Мана бир йилдирки, ушбу поликлиникада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. Бунинг баробарида туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти томонидан шифокор ва ҳамшираларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан анъанага айланган соғломлаштириш ҳафталиги ҳудудда истиқомат қилаётган халқимизнинг тиббиётга ишончи ва ўз саломатликларига бўлган эътиборларини янада ошириб келмоқда, десам муболаға бўлмайди. “Саломатлик-2” лойиҳаси томонидан тақдим этилган лаборатория жамланмалари ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналар беморларимиз саломатлигини тиклашда муҳим ўрин тутмоқда. Бундан ташқари, патронаж ҳамшираларимизнинг аҳоли орасида олиб борилаётган тарғибот ишлари турли касалликларнинг олдини олишда асосий аҳамиятга эга бўлмоқда. Бир кунда ўттиздан ортиқ фуқароларни қабул қиламан ва уларда кечаётган юрак хасталикларининг олдини олишда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги, кези келганда даво муолажаларини вақтида олишлари бўйича маслаҳат ва тавсиялар бериб келмоқдаман. Шу ўринда айтишим жоизки, фаолиятимиз учун кенг имкониятлар яратилаётган экан, аввало ўз устимизда мукаммал ишлашимиз, тажрибаларимизни янада бойитган ҳолда ҳар бир фуқарога хушмуомалада бўлиб, сифатли тиббий хизмат кўрсатишимиз зарур деб биламан.

**(Давоми 4-бетда).**




# ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ВА МУСТАҲКАМ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ



**Азиза ТУРОПОВА, Жиззах тумани кўп тармоқли марказий поликлиника врач-лаборанти:**

– Тўғри ташҳис дардга даво деганларидек, бемор учун лаборатория таҳлиллари асосий натижани ташкил этади. Шундай экан, мана бир неча йилдирки, врач-лаборант вазифасида фаолият юритиб келмоқдаман. Аввалгиларга қараганда, мурожаат этиб келувчилар учун навбат ёки таҳлилларни кутиш учун ҳожат қолмади. Чунки, замонавий лаборатория анжомлари мавжудлиги ишларимизни янада осонлаштирди. Лекин, таҳлилларни текширувдан ўтказиш лаборантдан катта масъулият ва синчковликни талаб этади. Бунинг учун мутахассис ўз билимига эга бўлиши ҳамда вақтида малакасини ошириб туриши лозим. Ишлашимиз учун реактивларимиз етарли. Кун давомида йигирма бешдан зиёд беморларни қабул қиламиз. Биз ишимиз самарадорлиги ошишида яратилган имкониятлар қўл келаётганидан мамнунмиз. Эндиликда, фақатгина бор билим ва тажрибаларимизни аямаган ҳолда астойдил меҳнат қилишимиз даврнинг талабига айланаётганлигини унутмаслигимиз зарур.



## Хулоса ўрнида

**Ҳа, юқоридаги фикрлардан хулоса чиқарар эканмиз, ҳақиқатан ҳам замон талаблари даражасидаги мазкур поликлиниканинг ташқи ва ички кўриниши инсон саломатлиги йўлида қилинган ишлардан бири эканлигига янада ишонч ҳосил қилдик.**

**Хизмат сафаримизнинг асосий мақсади Жиззах тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникани Инвестиция дастури асосида қуриш ва реконструкция ишларининг амалдаги фаолиятига ойдинлик киритишдан иборат эди. Бу жараёнлар деярли ниҳоясига етган. Лекин, “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан келиши кутилаётган флюорография ва рақамли рентген аппаратлари учун ажратилган хоналарнинг ниҳоясига етмаганлиги бироз бўлсада бизни ранжитди. Ўйлаймизки, бу йўналишдаги барча мутасаддилар масъулият билан иш олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.**

## Зомин тумани






***Зомин тумани тиббиёт бирлашмасида бўлганимизда Инвестиция дастури асосида ўз ниҳоясига етган бирлашма бўлимлари, туман кўп тармоқли марказий поликлиника, туғруқ мажмуасидаги барча шароитларни кўриб, амалдаги фаолиятлар ўз ифодасини топаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Шунингдек, муассаса ҳудудида дастур асосида юқумли касалликлар бўлимида қурилиш ишлари олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.***

**Зомин тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Шавкат Қурбонов Инвестиция дастури асосида амалга оширилган ва айни кунда давом этаётган ишлар тўғрисида қуйидагиларни гапириб ўтди:**

– 2012 йил Инвестиция дастури асосида 2.2 миллиард сўм маблағ ҳисобидан бирлашмамиздаги даволаш биносининг том қисми алмаштирилиб, бинонинг фасад қисми таъмирланди. Бундан ташқари, икки қаватли туғруқ комплекси ва икки қаватли марказий поликлиника биноси тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 2013 йилда дастур бўйича бирлашмамизга 2.7 миллиард сўм маблағ ажратилиб, айни кунда ушбу маблағ ҳисобига 40 ўринли икки корпусдан иборат юқумли касалликлар бўлими биноси ҳамда ошхона биносини капитал реконструкция қилиш, тез ёрдам, гараж, корхона биноларини капитал таъмирлаш, ташқи канализация тармоғини алмаштириш ва янги сув тозалаш иншооти қуриш ишлари олиб борилмоқда. Олдимиздаги асосий вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш ҳамда маблағлардан оқилона фойдаланиш учун фаолиятлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Туман кўп тармоқли марказий поликлиника биносининг ташқи ва ички кўриниши давр талабига жавоб бериши билан бир қаторда унинг ён-атрофидаги турли манзарали дарахтлар ва ободонлиги муассаса кўркига янада кўрк бағишлаб турибди. Поликлиника ичкарисига кирганимизда, қабулда турган беморлар ҳамда тиббиёт ходимларининг илиқ фикрларига гувоҳ бўлдик.

(Давоми. Боши 3-бетда).

**С. ПИРНАЗАРОВА, туман кўп тармоқли марказий поликлиника стоматолог-врачи:**

– Истиқлолимиз шарофати билан тиббиёт тизимида катта ўзгаришлар бўлди. Айниқса, мутахассисларнинг малака ошириши, узлуксиз таълим жараёнларига эътибор кучайтирилди. Бунинг баробарида ишларимиз самарадорлигини ошириш ҳамда беморларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида тиббиёт муассасаларининг замонавий аппаратуралар билан таъминланаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Шифо масканимизга “Саломатлик-2” лойиҳаси томонидан берилган стоматология аппаратининг қулайлиги биз мутахассислар ҳамда беморлар учун янада қўл келмоқда. Энди бундай замонавий аппаратлардан тўғри фойдаланиш ва беморларни даволашда албатта касбий маҳорат ҳамда тажриба талаб этилади. Шунингдек, тиббий асбоб-ускуналарни ўз вақтида зарарсизлантириб, асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилишимиз зарур.



**Г. ЮСУПОВА, туман кўп тармоқли марказий поликлиника дояси:**

– Давлатимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилиб, бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, қарийб беш йилдирки, Юртбошимизнинг оналар ва болалар саломатлигига қаратилган 1096 ва 1144-сонли қарорлари ижроси бўйича ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада поликлиникамизда ишлар кўлами ниҳоятда кенгайиб бормоқда. Айниқса, фертиль ёшдаги аёллар, ўсмирлар, шунингдек ҳомиладорларнинг саломатлигини назорат қилиш мақсадида ўтказилаётган соғломлаштириш ҳафталиги уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ундан ташқари, ҳомиладор аёллар учун поливитаминларнинг берилаётганлиги ҳам ҳомила бенуқсон ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Соғлом она – соғлом бола Давлат дастурининг асосий мақсади, келажагимиз бўлган фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол авлод даражасига етказиш экан, бу борада астойдил меҳнат қилиб, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишимиз лозим деб биламан.

## Хулоса ўрнида

**Сафаримиздан олинган таассуротларни таҳлил қиладиган бўлсак, амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси туфайли эришилган ютуқлар баробарида мавжуд камчиликларнинг борлиги диққат марказимизда бўлди. Албатта, иш бор жойда камчилик, муаммо бўлиши табиий. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан келиши кутилаётган флюорография ва рақамли рентген аппаратлари учун ажратилган хоналар ниҳоясига етказилмаган. Шунингдек, қурилиш жараёнидаги ишлар сифатига ҳам кафолат бериш бирозгина мушкулроқ. Камчиликлар асносида шуни англадикки, бундай ишларнинг амалга оширилишида туман тиббиёт бирлашмалари бош шифокорлари ва мутасадди раҳбарлари, қурилиш бригадалари, «Саломатлик-3» лойиҳаси ҳамда рентген аппаратлари учун ўз таклифини бераётган фирмалар билан ҳамкорликда иш олиб борилсагина, кўзланган натижаларга эришиш мумкин.**

*Жараён*

# ЗАКОВАТ ВА МАҲОРАТ ЙЎЛИДА




***Узоқ йиллардан бери битта даргоҳда хизмат қилиб келаётган шифокор ўз фаолиятини қай тарзда янгилаши керак? У шу тахлитда ишини давом эттираверса, "қотиб қолган" касб эгасига айланмайдими? Бир хил кундалик иш тартибида ишлаш уни зериктириб қўймайдими? Ҳа, худди шундай бўлиши аниқ.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотларнинг муайян йўналишида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнининг қамраб олинаётгани бежиз эмас. Бу юқорида таъкидланган муаммога ечим топишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги "Жаҳон банкининг халқаро ривожлантириш ассоциацияси билан молиявий ҳамкорликда "Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш (Саломатлик-3) лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1614-сонли Қарори ана шу

ни бошлаган ўн ойлик курсимизга Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиникаларда ишлаётган умумий амалиёт шифокорларидан 60 нафарини жалб қилдик. Уларни 30 тадан икки гуруҳга бўлиб ўқитиш кўзда тутилган. Кузатишлар шуни кўрсатадики, поликлиникада ишлаётган шифокорнинг кундалик иш фаолияти бир хил: эрталаб хонасига келади, қабулига кирган беморни наридан-бери тинглаб, зарурий дори-дармонларни ёзиб беради. Сўнгра навбатдаги бемор қабули. Аслида эса умумий амалиёт шифокори ўзида жуда кўп талабларни шакллантирган бўлиши керак. Шуни назарда тутган ҳолда, ўқув дастурларини

тўлиқ ифодаланган. Ўтган 2012-2013 ўқув йилидан курс тингловчилари учун "Умумий амалиёт шифокорининг амалий кўникмалари кундалиги"ни жорий қилдик. Кундалика тингловчининг мавзуни ўзлаштириш даражасига уч хил даража белгиланган. С* – етарли малакага эга эмас, В** – яхшилаш талаб қилинади, А*** – етарли малакага эга. Ҳар бир тингловчи ўқув йили мобайнида туркумларни ўзлаштириш жараёнида кундаликни юритиб боради. Ўқув йили охирида унга сертификат берилишдан аввал баҳо қўйилади.

Тингловчи билан таълим берувчини машғулотлар бир-бирига боғлайди. Ўз соҳасига тегишли янгиликлардан хабардор бўлишни истаган мутахассис назарий ва амалий машғулотларда фаол иштирок этиб, курсдан бир олам таассурот олиб қайтади. Ўн ой ичида у эгаллаган ва тўплаган билим захирасидан иш фаолиятида унум-

**Гавҳар ҚОСИМБЕКОВА,**
**кафедра ўқитувчиси:**

– Муайян ҳудудда 10 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган бўлса, зарурат туғилган вақтдагина ҳар бир киши шифокор ҳузурига келади. Унинг касаллигини аниқлаш, ташҳис қўйиш, даволаш жараёнини оилавий поликлиника шифокори амалга оширади. "Саломатлик-3" лойиҳасида илгари сурилган ғояга кўра, кенг қатламдаги аҳолининг касалликка чалиниш сабабларини аниқлаб, бунга аслида йўл қўймасликнинг имкониятларини ишга солиш керак. Тўғри, касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, дейишади. Лекин аслида касалликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш жуда мураккаб жараён. Кафедрамиз ўқитувчилари томонидан аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни сақлаш, врач билан бемор ўртасидаги илиқ ва самимий муносабат, беморни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда врачлик этикаси ва талаблари бўйича ишлаб чиқил-

қамровли ислоҳотлардан тўлиқ бохобар қилиндик. Бу ислоҳотларни амалга оширишда бирламчи бўғин – оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларининг иштироки катта. Чунки оилавий поликлиника шифокори номига яраша ўз ҳудудидаги барча хонадонларга тез-тез боради. Бу ерда ота-она, бола, қайнона, қайнота, келин-куёв саломатлигини назоратга олади. Бизга ўқув машғулотларида оилавий поликлиника шифокорининг ўзини тутишидан тортиб, беморни қабул қилишдаги энг элементар жиҳатлар ҳам тушунтирилмоқда. Бошқа давлатлар – Америка, Буюк Британия, Эстонияда умумий амалиёт шифокори қандай ишларни амалга ошириши билан танишдик. Биз кўпинча эътибор бермайдиган ҳолат – маҳалла ва мавзеларда санитария-гигиена талабларини қўллаш, болалар майдончасида кимдир жароҳат олса, тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам туркумга киритилган мавзулар-










йўналишдаги ишларни тартибга солиш ва ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу қарорга биноан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 91-сонли қарори (2012 йил 29 март) кучга киритилиб, ўтган давр мобайнида салмоқли ишлар амалга оширилди. Вазирликнинг шу йил 16 августда қабул қилинган 277-сонли буйруғига кўра, ҳар иккала қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2013-2014 ўқув йилларида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиника врачларини ўн ойлик ўқув дастури асосида малака оширишга жалб қилиш масаласи кўндаланг қўйилган. Хўш, бу жараён қаерда, ким томонидан ва қай тарзда амалга оширилади?

Жумладан, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти "Умумий амалиёт шифокори" кафедраси педагогик жамоаси янги 2013-2014 ўқув йилини катта иштиёқ билан бошлади. Ўн ойлик малака ошириш жараёнини ташкил этишда аввалдан ишлаб чиқилган ўқув дастури жорий этилмоқда. Унинг мазмун-мундарижаси, мақсад-вазифалари хусусида кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Машҳура Зоҳидованинг фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтмоқчимиз:

– Тиббиёт шундай соҳаки, доимо янгиланиб, такомиллашиб бориши керак. Йиллар мобайнида тўпланган тажриба шифокорники, аммо у ана шу тажрибаси билан кифояланиб юраверса, ҳеч нарсага эришмаслиги мумкин. Ўз ўқув дастурлари-

ишлаб чиқишда врачлик касбининг умумий талабларидан ташқари, унда инсоний сифатларни шакллантириш, маънавий оламини янада кенгайтириш билан боғлиқ 12 та туркумдаги мавзулар қамраб олинди. Ҳар бир туркумда 12 тадан мавзу ўрин олган. Масалан, биринчи туркум – "Самарали жамоатчилик тиббиёти" йўналишида "Биринчи ёрдам фалсафаси", "Жамоатчилик тиббиёти соғлиқни сақлаш тизимининг биринчи бўғини сифатида", "Соғлом турмуш тарзи тарғиботи", "Профилактика турлари", "Консультация қилиш. Клиник тадқиқот принциплари" каби мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулот чуқурлаштирилган шаклда олиб борилади. Машғулот назарий ва амалий кўринишда бўлиб, тингловчи фақат тинглаймайди, балки мавзуга ўз муносабатини билдиради, ўз ҳамкасби билан баҳс-мунозарага киришади. 2 сентябрдан бошланган ўқув машғулотлари икки ҳафта давом этади. Шундан сўнг оилавий поликлиника шифокорлари ўз иш жойларига бориб, курсда эгаллаган билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаб келадилар. Улар иккинчи туркум мавзуларини ўзлаштиришга киришмасдан аввал биринчи туркумга иккинчи гуруҳ тингловчилари жалб қилинади. Шу тариқа шифокорлар сентябрь ойидан июнь ойининг охирига қадар салкам бир йиллик малака ошириш жараёнида ўз билим ва дунёқарашини бойитиб боради. Ўқув дастурларида тингловчи билмаган ёки эътибор қаратмаган, аслида буни ўзида мужассамлаштириши керак бўлган барча касбий талаблар, маънавий-ахлоқий, инсоний фазилатлар




ли фойдаланади, ҳамкасбларига ҳам шуни ўргатади. Кафедра педагогик жамоаси томонидан назарий ва амалий машғулот ўқув режасини тузишда анъанавий таълим усуллари билан бир қаторда ноанъанавий ёндашув методларини қўллашга ҳам эътибор қаратилмоқда.

**Дилфуза ҲАСАНОВА,**
**тиббиёт фанлари**
**номзоди, доцент:**

– Шифокорларга жорий қилинган ўқув машғулотларининг амалий қисмини олиб бораман. Умумий амалиёт шифокори қабулига келган беморнинг бош қисмидан оёғига қадар текширувни қандай усулларда олиб бориши керак, буни худди саҳна кўринишидек намойиш этамиз. Пальпация, яъни қўл билан пайпаслаб касалликни аниқлаш, пиркуссия, яъни қўл орқали жигар, юрак, буйрак ҳолатини аниқлаш, аускультация, яъни фонендоскоп билан юрак уриши, нафас олиш тизимидаги ўзгаришларни аниқлаш бўйича тингловчиларимизга намунавий машғулот олиб борамиз. Назарий машғулотдан кўра, амалий дарсга кўпроқ соат ажратилганки, бу умумий амалиёт шифокори ўз фаолиятини такомиллаштиришда энг муҳим жиҳат ҳисобланади.

ган ўқув дастурлари халқаро стандартларни ўзида акс эттирган. Шунинг учун ҳам кўп йиллик тажрибага эга шифокорлар назарий ва амалий машғулотларга бажонидил келишади. Биринчи жуфтликда 45 минутдан икки соатлик назарий машғулот ўтилса, кейингилари 90 минутлик амалий сабоқ тарзида давом эттирилади.

"Саломатлик-3" лойиҳасини амалга оширишдан кўзланган бош мақсад шундаки, шифокор тор доирадаги мутахассис бўлиб қолмаслиги керак. У интеллектуал жиҳатдан чуқур ақл-заковатга эга, касбий маҳоратнинг оддий ва мураккаб томонларини ўзлаштириши, маънавий-ахлоқий мезонларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим. Шундагина унга бемор ўз кўнглини тўлиқ очади, оралиқдаги тўсиқ бархам топади. Кафедрада таҳсил олаётган тингловчилар Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиникада фаолият олиб боришади.

Улар 2 сентябрдан бошланган илк икки ҳафталик ўқув машғулотлари ҳақидаги таассуротларини сиз билан ўртоқлашишга тайёр.

**Мукамбар ДЎСОВА,**
**Ҳамза туманидаги**
**30-оилавий поликлиника**
**педиатри:**

– Илк машғулотларда биз мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг

да ўз ифодасини топган. 6 та гуруҳ 6 марта деворий газета чиқариб, ўрганилган мавзуларнин расм, фикр, қайд ва хулоса шаклида ифодалаб берди. Қисқасини айтганда, биз шунчаки тингловчи эмас, балки аудиториянинг фаол иштирокчиси бўлдик.

**Дилбар ТЎРАЕВА,**
**Сергели туманидаги**
**10-оилавий**
**поликлиника шифокори:**

– Дори-дармон билан эмас, балки руҳий таъсир этиш йўли билан беморни даволаш безарар, камчиқим ва самаралидир. Ҳозирги глобаллашув даврида инсоният саломатлигига хавф солаётган омиллар жуда кўп. Аслида аксарият касалликларни дори-дармон билан эмас, беморни қўллаб-қувватлаш, тушуниш, ўз иродасини ишга солишдек харакат ҳам, ортиқча уриниш ҳам талаб қилмайдиган усуллар билан даволаш мумкин. Бу эса шифокорнинг муомала маданияти билан боғлиқдир. Ўқув курсида биз ўзимизга номаълум бўлган шахсларaро муносабатнинг нозик томонларидан хабардор бўлдик. Ҳафта якунлангач, ўрганганларимизни амалиётга татбиқ этамиз. Икки ҳафтадан сўнг бизга иккинчи туркум мавзулари тақдим этилади. Шу тариқа ўн ой мобайнида билим, кўникма ва малакамизни ошириб, ўз фаолиятимизни мукаммал давом эттирамиз.

**Кадрлар олтинга қиёсланган. Қайси соҳани олиб қарамайлик, кадрлар кучи, салоҳияти ва тажрибаси билан мақсад-муддаога эришилган. Бинобарин, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг "Умумий амалиёт шифокори" кафедраси педагогик жамоасининг "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида амалга ошираётган ишлари эътирофга моликдир.**




### Ота-оналарга маслаҳат

# ЧАҚАЛОҚ ВА УНИНГ ТЎРТИНЧИ-ОЛТИНЧИ ОЙЛАРИ

(Давоми. Боши 35-сонда).

**Чақалоғингиз нималарга қодир?**

Тўрт ойликдан беш ойликкача чақалоқ ҳам алоҳида, ҳам бирикмали ундошли товушларни талаффуз қилади: “а”, “аҳ”, “ўў”, “ее”, “эҳ”. У сиз билан “суҳбат” ўтказиши, товушлар билан алмашиниши мумкин; яхшигина “ғўлдирайди”. Унинг нутқида энди асосан очиқ бўғинлар иштирок этади: “ҳа”, “ма”, “ба”; сиз билан у олдин талаффуз қилиб ўрганган бўғинларни такрорлайди. У сизнинг овозингизни яхши танийди ҳамда ундаги жиддий ва эрка оҳангларни фарқлайди. Ойнадаги аксда ўзини эмас, сизни ҳам танийди. Овқат (қоришма)ли шишани сўриш учун ўзи ушлайди. Оёқчаларига қизиқиш пайдо бўлади. Орқасидан ёнбошига бурилиб олади. Қорнига ағдарилиб олмоқчи бўлади-ю, ҳозирча бунга қандай эришиш кераклигини билмайди; айланиб олишга беҳуда ҳаракат қилади. Агар уни очиқ каравотда каровсиз қолдирсангиз, йиқилиб тушиши мумкин. Бегона одам баданини “ўрганади” (сочларини юлқийди, бурниларидан тортади, юзларини силайди...), катталар тиззасида мустақил ўтира олади.

Беш ойликдан бошлаб чақалоқ ўйинчоқлар ўйнайди, қошиқдан берилган овқатни яхши ейди, орқасидан қорнига ағдарила олади. Қорнида ётганида тикланган қўлларига таяниб, гавдасини бироз кўтаради.

Олти ойликда болажонингиз дурустгина сакраш қилади. У жисман кучлироқ бўлади, мустақил ўтиради, янги-янги ўйинчоқларни энди олдингидай оғзида эмас, балки узоқ қараб, қўлида айлантириб кўради. Ҳазилни тушуна бошлайди: унга кулгили туюлган бирон нарсадан кулиши мумкин. Сиз билан мазза қилиб “чапак-чапак” ўйнайди, столга шапатилаб чилдирма чалади. Иккала қўлидан тутиб турилса, у узоқ тик туриши ва оғирлигини у оёғидан бу оёғига солиши мумкин, эмаклашни ўргана бошлайди.

**Қуйидаги ҳолларда шифокорга мурожаат қилинг:**

*1. Болангиз оёқчалари билан пол ёки каравоти устидан силтана олмаса.*

*2. Ўйинчоқларни оғзига олиб бормаса.*

*3. Чақалоқнинг қўлларида дармон кам бўлиб, уларни силталай олмаса.*

**Овқатланиш тартиби**

Тўрт ойликдан беш ойликкача чақалоқ ҳамон ҳар уч соатда овқатланади, у тунда кўпроқ ухлаётгани учун янги овқатланиш тартибига бемалол ўтса бўлаверади: кундузи беш маҳал, кечаси бир маҳал.

Олти ойлик болани тунда овқатлантирмаса ҳам бўлади. Болажонингизни тартибли овқатлантириш учун, шифокор билан маслаҳатлашиб туриш мақсадга мувофиқдир.



**Сайр**

Сайр чоғида бола ухламаса ҳам бўлади, атрофни томоша қилса бўлди, шу боис сизга сайр аравачасини ўзгартиришни маслаҳат берамиз. Бола сайр аравачасида бемалол ўтира олиши керак. Орқа суянчиғи бошқариладиган бўлса, чақалоқ аравачада ётиб, бемалол ухлаши учун бутунлай ёйиб қўйилади. Аравачада хавфсизлик камарлари бўлиши муҳим, чунки бола бирор нарсага интилиб, аравачадан йиқилиб тушиши мумкин-да. Боланинг юзини кўпроқ ўзингиз томонга (чунки у сизга қарашни жуда ёқтиради) ёки қарши томонга қаратиб олиб юриш учун йиғма даста даркор бўлади.

**Қўлни оғизга олиб бориш**

Болангизнинг борган сари қизиқиши ортиб, ҳамма нарсани оғзига олиб боради ва 4 ойлигида бармоқларини сўради. Қўллари унга бўйсуниши, уларни пастга ва баландга ҳаракат қилдира олиши, ўз ихтиёрича бармоғини оғзига тиқиши унинг учун “кашфиёт” ҳисобланади. Бироқ бармоқ сўриш ёмон одат. Гап шундаки, муттасил оғизда турган бармоқ пастки ва юқори жағ шаклини ўзгартиради, кейинчалик эса тишлар қийшайишига ҳам олиб келади. Бу одатни даволагандан, олдини олган осон. Шу боис, бола бармоғини оғзига олиб борганини кўрган заҳотингиз қўлини олиб қўйинг.

**Чақалоқ билан гаплашинг**

Аста-секин болангизнинг эшитиш ва гапириш аъзолари сўзларни талаффуз қилишга тайёрланади. У билан қанча кўп гаплашсангиз, шунча яхши. Сўзларингизни секин ва аниқ талаффуз қилишга одатланинг. У ҳар бир сўзни ўзига сингдириб олмоқчидек, катталарнинг гапини диққат билан эшитади. У товуш оҳангини ҳам, баланд-пастлигини ҳам зийраклик билан илғайди. Мусиқадан таъсирланишида ҳам фарқ бор. Секин, мулойим мусиқани тинч, диққатини бир жойга қўйиб тинглайди, кўпроқ ўзи эшитганларидан жонланиб ҳаракат қилади. Мумтоз куйлар ёки аллани тинглаб ухлаш боланинг асабларини тинчлантириб, тезроқ ухлашига имкон беради.

**Уйқу**

Уч-тўрт ойликдаги бола 1,5-2 соатдан давом этувчи тўрт марталик уйқуга муҳтож бўлади; ҳар бир бедорлик вақти бундай пайтда 1,5-2 соат, тунда эса бу олти ёки етти соатни ташкил қилади. Олти-етти ойлик бола тунда кўпроқ, 10 соатгача ухлайди ва у тунги овқатланишнинг баҳридан ўтади, не бўлганда ҳам онаси тўйиб ухлайди. Кундузи бола уч марта 2 соатдан ухлайди.

**Ўйинчоқлар**

Тўрт-олти ойликда бола кўпроқ ўйинчоқларга қизиқа бошлайди. Энди пирамидалар, йирик ва рангдор пластмасса жониворлар, чайқалма ўйинчоқлар, резина пуфаклар, тўпчалар уни кўпроқ қизиқтиради. Ўйинчоқлар: енгил, ўрта катталикда, осон тозаланадиган бўлса, яхши. Жуда майда ёки кичик бўлаклардан иборат ўйинчоқлар тўғри келмайди, чунки бола уларни албатта, оғзига олиб боради ва тиқилиб қолиши мумкин. Олти ойликда бола яхшигина эмаклагани боис, унга манеж олиб берган маъқул. Бу билан унинг ҳаёти бехавотир бўлади.

**Сўлак оққанда**

Чақалоқ тўрт ойлик бўлганда ундан кучли сўлак оқа бошлайди. Сўлак оқиши касаллик эмас, оддий ҳол, у бир йилгача давом этиши мумкин (гоҳо сал кўпроқ). Бола бу пайтда тишлари чиқишига тайёргарлик кўрмоқда. Унга сўлак шимгич тақиб қўйинг ва керак пайтда уни алмаштиринг.

**Чўмилтириш**

Чақалоқлар ривожланишида чўмилтиришнинг роли катта. Агар илгари чақалоқ чўмилишга қаршилик кўрсатган бўлса, энди сувга тушса, ҳузурланади. Унинг боши илгаригидай орқага олиб эмас, олдинга энгаштириб ювилади. Кўзларини ачитмайдиган болалар шампуни ва совунидан фойдаланиш керак.

**5-6 ойлик чақалоқни уқалаш ва бадантарбия қилдиришга ўтиш**

Уқалаш ва бадантарбиянинг олдинги машғулотларига қуйидаги машқлар қўшилади: бола чалқанча, қўллари бадани бўйлаб чўзилган ҳолда ётқизилади. Ёрдамчингиз чақалоқ ўнг қўлчаси кафтини унинг танасидан бир-бир неча см. нарироқдан столга босиб турсин. Букилиб ва столдан кўтарилиб кетмаслиги учун сиз бир қўлингиз билан унинг оёқчаларини тутиб турасиз ва ўнг қўлчасига таяниб, ўтиришга ундайсиз.

Бунда чақалоқ гавдаси аста-секин ўнгга оғади, қўли тирсагидан озгина букилади. Шу тарифа бола ўтиришга ўргатилади. Бу ҳаракат йўлларини ўзлаштириб олгач, у машқларни янада фаолроқ бажара бошлайди ва олти ойликда у ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўтирадиган бўлади. Ўнг қўлга таянтириб, чап қўлда бу машқларни 10 марта ўтказинг.

**Ўтириш**

Болани чалқанча ётқизиб, бошмалдоқларни унинг кафтига қўйинг. Шунда у бир оз кучаниб, қўлини букади, бошини кўтаради ва елкасини столдан узиб, ўтиришга ҳаракат қилади. Сиз эса унга “қани, тур, тур”, деб далда беринг. Бу ерда ақл-фаросат ишга тушиб, бола ҳаракати кучаяди. Машқ бадан ва қўл-оёқлар мушакларининг олдинги гуруҳларини ривожлантиради.

**Эмаклатиб туриш**

Болани қорнига ётқизиб, кафтингизни чақалоқ кўкраги остидан қўйинг, уни кўтаринг, бошқа қўлингиз билан оёқчаларининг тизза ва сон бўғимларини букинг. Бу вақтда ёрдамчингиз чақалоқнинг ёйилган кафтларини елка кенглигида стол устига босади.

Шу ҳолатда унга бир дақиқача туришига қўйиб беринг. Мувозанат таъсири ишлаб чиқилмаган дастлабки пайтда чақалоқ эмаклашда қийналади, бироқ кейинчалик бу барқарорлашади. Болангиз олти ойликда тўрт оёқлаб бемалол эмаклаши керак. Агар бу ёшда бола тўрт оёқда мустақил тура олмаса, у то шунга ўрганмагунча шу машқни давом эттириш керак бўлади.

**Қуйидаги ҳолларда шифокорга мурожаат қилинг:**

*чақалоқда ҳаддан ташқари мушак фаоллиги бўлиб, мослашуви йўқолса;*

*беш ойнинг охирига келиб сиз чақалоқни ўйнатиб кулдиролмасангиз;*

*у қорнидан орқасига бурила олмаса;*

*чақалоқ сизга ёпишиб ёки қучоқлай олмаса;*

*олти ойликка келиб ҳатто суянганда ҳам ўтиролмаса;*

*товушга тақлид қилмаса;*

*қўшимча овқатни ҳазм қилмаса;*

*атрофни яққол фарқлаб, онасини аниқ танимаса;*

*қисқа сўзларга ўхшаш товушлар чиқармаса.*

**Ш. ШОМАНСУРОВ,**
**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти “Болалар асаб касалликлари” кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

**«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш марказий бюроси.**
**Ижрочи директор Ж. ЖАБРИЕВ.**
**100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 3-қават. Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47. 268-25-39 (факс). E-mail:office@jpib.uz**
**Лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА ва Ҳулкар КУЗМЕТОВА тайёрлади.**
**Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА.**

